



Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анху айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Мубашшир ал-Ансориянинг хурмозорига киргланларида ундан: «Бу хурмоларни ким эккан? Мусулмонми, кофирми?», деб сўрадилар. У: «Мусулмон», деб жавоб берди. Шунда айтдилар: «Мусулмон киши бирон кўчат ўтқизса ёки экин экса, ундан хоҳ инсон есин, хоҳ ҳайвон ё бошқа жонзот есин, бу у учун садақадир».

Имом Муслим Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир мусулмон киши бирор күчтөр әкәркан, ундан ким еса ҳам у учун садақа (яъни, садақа қилғанлик савоби) бўлади, ундан ўғирланса ҳам у учун садақа, ҳайвонлар еб кетса ҳам у учун садақа, қушлар еб кетса ҳам у учун садақа, бирор пайҳон қилиб кетса ҳам у учун садақа бўлади».



Шарҳ:

Аллоҳнинг раҳмати ва фазлу карами шу қадар кенгки, агар мусулмон киши бирор мевали дараҳт кўчатини ўтқизган ё бирон экин эккан бўлса, ундан хоҳ инсон есин, хоҳ ҳайвонлар, хоҳ қушлар, хоҳ қурт-қумурсқалар есин, у учун садақа қилганлик савоби ёзилади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Экин-тикин ва боғ қилишнинг яхши ва фазилатли амал экани;
2. Эккан экинининг мевасидан ҳар қандай жонзот фойдаланиши соҳиби учун садақа деб ҳисоб қилинади.